

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА
УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

АБДУРАХМОНОВ ЭЛДОР БАРАТОВИЧ

**FAU ВА 5A ТИПИДАГИ СИНТЕТИК ЦЕОЛИТЛАРДА ҚУТБЛИ,
ҚУТБСИЗ ВА КВАДРУПОЛЬ МОЛЕКУЛАЛАР АДСОРБЦИЯ
МЕХАНИЗМЛАРИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)

Абдурахмонов Элдор Баратович

FAU ва 5А типдаги синтетик цеолитларда кутбли, кутбсиз ва квадруполь молекулалар адсорбция механизмлари 3

Абдурахмонов Элдор Баратович

Механизмы адсорбции полярных, неполярных и квадрупольных молекул в синтетических цеолитах типа FAU и 5А 29

Abdurakhmonov Eldor Baratovich

Mechanisms of adsorption of polar, non-polar and quadrupole molecules in synthetic zeolites such as FAU and 5А 55

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 59

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА
УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

АБДУРАХМОНОВ ЭЛДОР БАРАТОВИЧ

**FAU ВА 5A ТИПИДАГИ СИНТЕТИК ЦЕОЛИТЛАРДА ҚУТБЛИ,
ҚУТБСИЗ ВА КВАДРУПОЛЬ МОЛЕКУЛАЛАР АДСОРБЦИЯ
МЕХАНИЗМЛАРИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.DSc/К93 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Наманган муҳандислик-технология институти ва Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.iopx.uz va «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Эргашев Ойбек Каримович
кимё фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Гуро Виталий Павлович
кимё фанлари доктори, профессор

Акбаров Хамдам Икромович
кимё фанлари доктори, профессор

Адизов Бобиржон Замирович
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё-технология институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи 02/30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «11» декабрь соат 14⁰⁰ да ўтадиган мажлисида бўлади (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси 77-а Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-76-90, e-mail: iopxanruz@nuu.uz).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (23 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси 77-а Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-76-90.

Диссертация автореферати 2020 йил «27» ноябрь куни тарқатилди.
(2020 йил 27-ноябрдаги №23 рақамли реестр баённомаси)

Б.С.Закиров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

Д.С.Салиханова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

С.А.Абдурахимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., проф.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда экологик тоза табиий газ ва нефтдан ёқилғи маҳсулотлари ишлаб чиқаришда таркибидаги қўшимча зарарли бирикмалар технологик жараёнларга ҳамда маҳсулотлар сифатига салбий таъсир кўрсатади. Табиий газларни қуритишда, Евро 5 стандартларига мос келадиган ёқилғилар олишда ароматик, азотли ва олтингурутли бирикмалардан тозалаш жуда муҳимдир. Бу жараён 5А ва FAU типдаги цеолитлар ёрдамида амалга оширилади. Шу сабабли юқори сорбцион микроғовакли адсорбентларни синтез қилиш ва олинган натижалар асосида илмий ва амалий янгиликларга эришиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда жаҳонда адсорбция жараёнлари учун микроғовакли адсорбентлар олиш технологиясини яратишда қуйидаги илмий ечимларни асослаш, жумладан: 5А ва FAU типдаги синтетик цеолитларни синтез қилиб олишда мос келувчи сорбцион маҳаллий хом ашёларни танлаш; олинган микроғовакли адсорбентларга кутбли, кутбсиз ва квадруполь молекулаларни сорбциялаш орқали кристалл тузилишини, ион-молекуляр комплексни шаклланишини аниқлаш; микроғоваклардаги актив марказларнинг сони, жойлашиши ва катионлар миграциясини ўрганиш; адсорбентларнинг сорбцион жараёнларини тўлиқ молекуляр механизмини аниқлаш лозим.

Республикамизда кимё саноатини жадал ривожлантириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, рақобатбардош маҳсулотларнинг турларини ва ҳажми кенгайишига олиб келмоқда, жумладан, маҳаллий хом ашёлардан микроғовакли адсорбентларни ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш бўйича илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш»¹ вазифалари белгиланган. Бу борада, жумладан юқори самарали адсорбцион хусусиятга эга микроғовакли адсорбентлар олиш ва уларни нефть-газ саноатида қўллаш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4805 «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрельдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлар, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги қарори

мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.²

Микроғовакли адсорбентлар таркиби ва турларини кенгайтириш, уларнинг сорбцион хусусиятларини яхшилашга йўналтирилган изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Nanjing Tech University (Jiangsu, China), проф. Ассен Златаров номидаги Университет (Болгария); Institute for Mineralogy-Leibniz University Hannover (Германия), Ишимбай ихтисослаштирилган катализаторлар кимё заводи (Россия), The Institute of Chemical Technology (Испания) ва Умумий ва ноорганик кимё институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда микроғовакли адсорбентлар синтези ва уларни хусусиятларига оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: гидротермал усулда А цеолитини синтез қилинган (Central South University, China); кўшимча катта бўшлиқли (ITQ-37) цеолитлар синтез қилинган (The Institute of Chemical Technology, Испания); кичик ғовакли цеолитлар синтез қилинган (Center for Surface Chemistry and Catalysis, Belgium), синтетик цеолитлар синтези, тузилиши, структураси ва классификацияси аниқланган (Prof. Dr. Assen Zlatarov University (Bourgas, Bulgaria)); синтетик цеолитларда CO₂ адсорбцияси тадқиқ қилинган (University of L'Aquila, Italy); Y типидagi цеолит синтези ва адсорбцион хусусиятлари аниқланган (Халқаро тадқиқотлар институти, Франция); А типидagi цеолитларни мавжуд ва нисбатан арзон хом-ашёлардан оддий усуллар билан юқори дисперсли шакллари олинган (Физик ва органик кимё институти, Грузия).

Дунёда асосан кутбли, кутбсиз, квадруполь ва ароматик молекулаларнинг адсорбция жараёнининг тўлиқ механизми ҳамда термодинамик тавсифлари бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: микроғовакли адсорбентларни синтез қилиш; таркибини такомиллаштириш; синтетик цеолитларни синтез қилиш ва уни адсорбцион хусусиятларини аниқлаш; А, X, Y ва LSX типидagi цеолитларнинг таркибидаги катионларни алмашилиши хисобига уларнинг танлаб ютиш хусусиятларини кучайтириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда олиб борилаётган тадқиқот ишларида асосан цеолитларнинг структураси ва уларда катионлар

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи:

<https://www.njtech.admissions.cn>, <https://www.btu.bg/index.php/en/>, <https://www.min.uni.uni-hannover.de>, <https://www.ishimbaimr.ru>, <https://www.itq.upv-csic.es>, <https://www.ionx.uz>

жойлашиш ҳолати кўпроқ ёритилган бўлиб, сув, углерод (IV) оксиди, бензол ва аммиак молекулалар адсорбция жараёнлари механизми, термодинамик хусусиятлари ҳақида маълумотлар кам учрайди.

Хорижий олимлардан М.М. Дубинин (1960-1980 й) биринчилардан бўлиб, калориметрик усулда СаА цеолитларига сув молекуласининг адсорбцияси изотермаларини аниқлаган. Италиялик G. Martra, S. Coluccia ва бошқалар (1999) ИК спектр усули ёрдамида NaX ва NaY цеолитларига аммиак ва бензолнинг адсорбциясини, Jian Jiao, Wei Wang ва бошқалар (2005) Y типигаги цеолитларга аммиак адсорбциясини механизмини ЯМР спектроскопия усулида, Anett Kondor, András Dallosлар (2014), Huimin Zheng, Liang Zhao ва бошқалар (2015) фожазитларга моно- ва диароматик бирикмалар адсорбциясини изотермаларини газ-суюқлик хроматографияси ёрдамида ўрганган.

Ўзбекистонда А.А. Агзамходжаев, С.С. Хамраев, С.З. Мўминов, И.Д. Эшметов, Д.С. Салиханова, Ш.А.Кулдашевалар Ангрэн кўмири ва гил минералларига, Ҳ.И. Акбаров, А.Ю. Яркуловлар полимер-кремнезем гибрид наноконпозицияларга ҳар хил молекулалар адсорбциясини вакуумли магбен қурилмасида ўрганишган. Мамлакатимизда к.ф.д., профессор Г.У. Рахматқариев раҳбарлигида илмий мактаб яратилган бўлиб, унинг вакиллари Эргашев О.К., Рахматқариева Ф.Г., Бахронов Х.Н., Жумаева Д.Ж., Якубов Й.Ю., Долиев Ғ.А., Абдулхаев Т.Д., Коххаров М.Х. ва бошқалар томонидан А, X, Y ва LSX русумидаги цеолитлари, гил минераллари, аэросил, мусковит, силикалит, рутил ва бошқа адсорбентларни юқори вакуумли адсорбцион микрокалориметрик қурилмада борадиган адсорбцион жараёнлар механизмини тўлиқ ёритиш бўйича катта ҳажмдаги тадқиқотларни амалга оширилмоқда. Ушбу тадқиқот ишида калориметрик усулда олинган тажриба натижаларига асосан А русумида цеолитларда сув, углерод (IV) оксиди, X, Y ва LSX русумидаги цеолитларда аммиак ва бензол адсорбция механизми тўлиқ тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф-7-010 рақамли «Наноструктурали фожазит типигаги цеолитлар панжараси юзасида ион-молекуляр кластерларни энергетикаси, тузилиши ва жойлашиши» (2017-2020), ҳамда Наманган муҳандислик технология институтида бажарилган МУ-ФЗ-2017102584 рақамли «NaLTA, CaLTA ва содалит молекуляр ғалвирларида мезбон-мехмон боғланиш механизмлари» (2018-2019 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 5А ва FAU типигаги синтетик цеолитларда буғ ва газ ҳолатларидаги кутбли, кутбсиз ва квадруполь молекулаларнинг адсорбция изотермалари, дифференциал иссиқликлари, энтропиялари ва термокинетик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

адсорбцион-калориметрик усули орқали NaX , NaY , LiX ва LiY цеолитларида аммиак ва бензол буғи адсорбциясининг изотермалари ва тўлиқ термодинамик тавсифларни ўрганиш;

аммиак ва бензол буғи молекулаларини молекуляр намуна сифатида фойдаланган ҳолда, фожазит типидagi цеолитлар структураларини тадқиқ қилиш;

фожазитлар матрицасидаги ион-молекуляр кластерларнинг ҳолати, конформация, локализация, адсорбцияси ва молекуляр механизмларини аниқлаш;

цеолит структурасидаги термокинетик адсорбция ва алмашув катионларнинг кўчиб ўтиш (миграция) қонуниятини очиш ва адсорбция энергиясини ҳисоблаш;

адсорбция изотермаларини тадқиқ қилиш ва уларни микроҒовакларнинг ҳажмий тўйиниш назариясига тегишли бўлган тенгламалар орқали тавсифлаш (МХТН).

Тадқиқотнинг объекти сифатида адсорбент CaA_1 -(элементар ячейканинг тузилиши: $\text{Ca}_{5,04}\text{Na}_{1,19}(\text{SiO}_2)_{12}(\text{AlO}_2)_{12}$, CaA_2 - $\text{Na}_{1,8}\text{Ca}_5[(\text{AlO}_2)_{12}(\text{SiO}_2)_{12}]$, CaNaA_1 - $\text{Ca}_5\text{Na}_3[(\text{AlO}_2)_{12}(\text{SiO}_2)_{12}]$, CaNaA_2 - $\text{Ca}_4\text{Na}_4[(\text{AlO}_2)_{12}(\text{SiO}_2)_{12}]$, NaLSX - $\text{Na}_{96}\text{Si}_{96}\text{Al}_{96}\text{O}_{384}$, LiLSX - $\text{Li}_{96}\text{Si}_{96}\text{Al}_{96}\text{O}_{384}$, LiY - $\text{HLi}_{55}(\text{AlO}_2)_{56}(\text{SiO}_2)_{137}$, LiX - $\text{Li}_{86}(\text{AlO}_2)_{86}(\text{SiO}_2)_{106}$, NaY - $\text{Na}_{56}(\text{AlO}_2)_{56}(\text{SiO}_2)_{136}$, NaX - $(\text{H}_6\text{Na}_{80}(\text{AlO}_2)_{86}(\text{SiO}_2)_{106})$ ҳамда адсорбатлардан, сув, углерод (IV) оксид, аммиак ва бензоллар олинган.

Тадқиқотнинг предмети системаларнинг матрицасидаги ион-молекуляр комплексларнинг ҳолатини, локализациясини, адсорбция қонуниятларини ва адсорбциянинг молекуляр механизмни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Кимёвий, физик кимёвий, калориметрик таҳлил ва дифференциал термокинетик таҳлил усуллари фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Na^+ ва Li^+ катионлари бўлган FAU типидagi цеолитларда аммиак ва бензол молекулалари, Ca^{+2} ва Na^+ катионлари бўлган 5A типидagi цеолитларда сув ва углерод (IV) оксиди молекулалари адсорбциясининг тўлиқ термодинамик тавсифлари (ΔH , ΔG ва ΔS), изотермалари микроҒовакларнинг ҳажмий тўйиниш назарияси (МХТН) икки ва уч ҳадли математик тенгламалари асосида исботланган;

FAU типидagi цеолитларда аммиак ва бензол, 5 A цеолитларида сув ва карбонат ангидрид молекулалари адсорбция иссиқлиги тўлқинсимон кўринишда бўлиши аниқланган;

FAU типидagi синтетик цеолитларнинг S_{II} бўшлиғида бензол адсорбция иссиқлиги доимий бўлиши аниқланган;

FAU типидаги X, Y ва LSX цеолитлари бўшлиқларида аммиак ва бензол буғи адсорбция миқдорлари ҳисобланганда NaX да 8 та, NaY да 7 та, NaLSX да 12 та Na^+ катионлари, LiX да 10,75 та, LiY да 6,87 та ва LiLSX да 12 та Li^+ катионлари борлиги аниқланган;

Гил минераллари билан бойитилган CaA_2 цеолити CaA_1 цеолитига нисбатан сувни кўпроқ адсорбция қилиши исботланган;

5 A типидаги цеолитларда углерод (IV) оксиди цеолит бўшлиқларидаги қарама-қарши жойлашган S_{III} ва S_I , ҳамда S_{II} ва S_I даги катионларини бир-бири билан туташтириши аниқланган;

FAU цеолитларида адсорбция жараёнида гексоганал призма ҳамда содалит бўшлиқларидан супербўшлиқга Na^+ , Li^+ катионлари, 5A цеолитларида ҳам содалит бўшлиқларидан супербўшлиқларга Ca^{2+} ва Na^+ катионларининг кўчиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

FAU бўшлиқларига аммиак, бензол молекулалари, 5A бўшлиқларига эса сув ва углерод (IV) оксиди молекулаларининг адсорбцияланиш механизмини назарий ва амалий тадқиқотларидан олинган натижалар асосида маҳаллий хом ашёлардан микроғовакли адсорбентлар олиш имконияти яратилган;

адсорбцияланиш механизмини юқори вакуумли адсорбцион қурилмада микрокалориметрик усулида аниқлашнинг методикаси ишлаб чиқилган;

«Чиноз НКІЗ» МЧЖда нефт хом ашёси, ярим маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотлар таркибидаги бензол, турли хил ароматик углеводородлар молекулаларини адсорбция қилиб ажратиш олиш имкониятлари асосланган;

«Чиноз НКІЗ» МЧЖда юқори сифатли бензин олишда тажриба сифатида синовдан ўтказилди, турли хил углеводород аралашмаларидан самарали тозалаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Кимёвий (элемент) ва физик-кимёвий (калориметрик, гравиметрик, дифференциал термокинетик) таҳлил натижалари ишончлилиги лаборатория синовлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти амалга оширилган адсорбцион-калориметрик тадқиқот иши физик адсорбциянинг назарий ривожланиши учун, шунингдек, сорбцион техникада аппаратлар ва жараёнлар бўйича амалий ҳисоблаш учун зарурий бўлган ҳамда ўрганилган тизимларнинг асосий термодинамик функцияларини аниқлашда асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти турли хил молекулаларнинг адсорбентларга адсорбцияланишини бошланғичдан то тўйиниш босимигача бўлган тўлиқ механизми ва молекулаларни фаол марказлардаги катионлар билан ҳосил қилган ион-молекуляр комплексларини ўрганилиши янги сорбентларнинг олиниши ва қўлланишига хизмат қилади. Бундан ташқари ОТМ магистрантларига физик ва коллоид химия фанидан ўтиладиган махсус курсларида қўллашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. FAU ва 5A типдаги цеолитларнинг адсорбцион механизмларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Синтетик цеолитларда адсорбциянинг тўлиқ термодинамик тавсифлари (ΔH , ΔG ва ΔS) бўйича олинган маълумотлар ФА-Ф7-012 рақамли «Полифункционал таъсирли қатор металлларнинг янги аралаш лигандли координацион бирикмаларининг синтези, тузилишларининг ўзига хослиги, реакция қобилиятлари ва биологик хоссаларининг илмий асослари» лойиҳасида координацион бирикмаларнинг дифференциал иссиқлиги ва стехиометрик ўлчамларини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2020 йил 24 ноябрдаги 4/1255-2609-сон маълумотномаси). Натижада координацион бирикмаларни дифференциал иссиқликлари, стехиометрик ўлчамларини аниқлаш имконини берган;

X ва LSX типдаги цеолитлар аналоглари “Чиноз НКИЗ” да нефт хом ашёлари, ярим маҳсулотлари ва тайёр маҳсулотлари таркибидаги бензол, турли хил ароматик углеводородлар гомологлари ва олтингутуртли бирикмалардан тозалашда жорий этилган («Ўзбекнефтмаҳсулот» АЖ нинг 2019 йил 28 июндаги 20/11-655-сонли гувоҳномаси). Натижада нефтни қайта ишлаш жараёнида уни ароматик бирикмалар, уларнинг гомологлари ва бошқа моддалардан тозалаш даражасини 8-10 баробарга ошириш имконини берган.

Y типдаги синтетик цеолитлари аналоглари “Чиноз НКИЗ”ида Евро-5 стандартларига мос келувчи юқори октанли бензин олишда жорий этилган («Ўзбекнефтмаҳсулот» АЖ нинг 2019 йил 28 июндаги 20/11-655-сонли гувоҳномаси). Натижада Евро-5 стандартларига мос келувчи бензин имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари, жумладан, 3 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг илмий ишлар учун натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 19 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 13 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 198 бетни ташкил этди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги келтирилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий

янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш рўйхати келтирилган, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг ҳажми, тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Синтетик цеолитлар фаол марказларини ўзига хослиги ва физик-кимёвий хусусиятлари**» деб номланган биринчи бобида, синтетик цеолитларнинг батафсил тузилиши яъни уларнинг супербўшлиқлари ва фаол марказларидаги катионлар сони ва жойлашишини дунё олимлари турли хил усуллар билан аниқлаганлиги бўйича маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари бу бобда синтетик цеолитларнинг ўзига хос хусусиятлари, юзалар кимёси ва қаттиқ фазаларнинг микроғовак структураси ва уларнинг фаол марказлар билан адсорбцияси ифодаланган.

Диссертациянинг «**А типдаги цеолитларда сув молекуласи адсорбцияси қонуниятлари**» деб номланган иккинчи бобида CaA_1 , CaA_2 , $CaNaA_1$ ва $CaNaA_2$ цеолитларига сув буғи адсорбциясининг изотермалари, дифференциал иссиқлиги (Q_d), энтропияси (S_d) ва термокинетикаси (τ) батафсил ёритилган.

CaA₁ цеолитга сув адсорбцияси. 1 (а)-расмда 303 К ҳароратда CaA_1 цеолитига сувнинг адсорбция Q_d , Адсорбция миқдори (N) элементар ячейкага (э.я.) H_2O бирлигида ифодаланди. Узук чизиқлар - 303 К ҳарорат остида ($\Delta H_v = 43.5$ кЖ/моль) сувни конденсацияланиш иссиқлиги. CaA_1 цеолитига сув адсорбцияси ($N=0.24 H_2O/э.я.$ дан бошланади) $Q_d \sim 91$ кЖ/моль дан бошланиб, аста секинлик билан $N = 3,09 H_2O/э.я.$ га етганда $Q_d=76,26$ кЖ/моль гача тартибли пасаяди. Сўнгра $N=3,09 -6,47 H_2O/э.я.$ адсорбцияланиш оралиғида юқори энергетик биринчи кичик поғона ҳосил қилади ($Q_d=75,26$ дан $75,56$ кЖ/моль). CaA_1 цеолити структурасида 3 та актив марказлар, адсорбцион бўшлиқлар жойлашган бўлиб, шу бўшлиқларга адсорбатлар адсорбцияланади. Актив марказлар асосини ишқорий ва ишқорий ер металлари ташкил қилади. Биринчи бўшлиқда Ca^{2+} катионлари S_I олти аъзоли кислород ҳалқаларининг марказида жойлашади. Бу бўшлиқнинг ҳажми кичик бўлганлиги учун металл катионлари билан қисман тўйинади.


Иккинчи бўшлиқда Ca^{2+} ва Na^+ катионлари S_{II} саккиз аъзоли кислород ҳалқалар текислигининг бироз ичкарироқ қисмида ва ниҳоят учинчи бўшлиқда Ca^{2+} катиони S_{III} тўрт аъзоли кислород ҳалқа қарама-қаршисида α -бўшлиқнинг ичида жойлашади. Кўриниб турибдики, S_{III} ва S_{II} бўшлиқлар супербўшлиқ ичида жойлашганлиги учун адсорбциянинг асосий қисмини ташкил қилади. Чунки S_I бўшлиқдаги катионлар олтига кучли химоя қилувчи кислород атомларининг катионлари билан ўралган. CaA_1 цеолитда жами 27 H_2O э.я. сув молекулалари адсорбцияланади. Шулардан S_{II} бўшлиқ 19 H_2O э.я. ва S_{III} бўшлиқ эса 8 H_2O э.я. жойлашади.

1(б)-расмда 303 К ҳароратда CaA_1 цеолитида сув адсорбцияси $\sim 10^{-6}$ нисбий босимда p/p^0 (p^0 – сув буғи босими, $p^0(303K) = 4.42$ кПа) сувни

адсорбцияланиш изотермаси (\ln) келтирилган. CaA_1 молекуляр ғалвирларда сувни адсорбцияланиши микроғовакларнинг ҳажмий тўйиниш назариясини уч ҳадли тенгламаси орқали ёритилди.

$$N = 11.731 \exp[A/32.09]^6 + 6.05 \exp[A/17.97]^8 + 9.701 \exp[A/2.87]^1$$

Бу ерда, N – микроғоваклардаги адсорбция, $(\text{H}_2\text{O})/\text{э.я.}$, $A = RT \ln (P^\circ/P - 1 \text{ H}_2\text{O}/\text{э.я. бугни юзадан } (P^\circ \text{ босим}) \text{ мувозанатли газ фазасига олиб ўтиш учун бажарилган иш } (P \text{ босим}).$



1-расм. CaA_1 цеолитида 303 К ҳароратда сув буги адсорбцияси дифференциал иссиқлиги (а), изотермаси (Δ -эксперимент қийматлари, \blacktriangle -МХТН тенгламаси орқали ҳисобланган қийматлар) (б) ва энтропияси (в)

1 (в)-расмда CaA_1 цеолитида сув адсорбцияси дифференциал энтропияси келтирилган. Адсорбцияни ΔS_d ҳисоблашда Гиббс-Гельмгольц формуласидан фойдаланилди.

$$\Delta S_d = \frac{\Delta H - \Delta G}{T} = \frac{-(Q_d - \lambda) + A}{T}$$

Бу ерда, λ -иссиқлик конденсацияси, ΔH и ΔG -энтальпия ва эркин энергия ўзгариши, T - ҳарорат


Адсорбция дифференциал энтропияси дастлаб $-12.53 \text{ Ж/моль}\cdot\text{К}$ бошланади. Аста секинлик билан $-5 \text{ Ж/моль}\cdot\text{К}$ дан $2.76 \text{ Ж/моль}\cdot\text{К}$ гача тушиши кузатилади. Кичик тўлқинсимон чизик кўринишни ҳосил қилганда цеолит матрицаси S_{II} бўшлиқларига адсорбцияланади. Бу бўшлиқлар катионлар сонининг кўплиги сабабли катионлари миграцияси ва адсорбциясида энергия тақсимоти тартибли бўлади.

CaA_1 цеолитига сув адсорбцияси мувозанат вақти дастлаб 33.16 соатни ташкил этади. Адсорбция мувозанат вақти эса дастлаб адсорбат (сув) молекулалари сони камлиги учун адсорбент (цеолит) таркибидаги катионларга тақсимланишига, яъни адсорбцияланишига кўпроқ вақт кетади. Сўнгра аста секинлик билан мувозанат вақти билан камайиб боради.

CaA_2 цеолитга сув адсорбцияси. 2(a)-расмда 303 К ҳароратда CaA_2 цеолитига сувнинг адсорбция Q_d келтирилган. Ушбу цеолитда адсорбция

иссиқлиги тўлқинли поғонсимон кўринишда бўлади. СаА₂ цеолитига сув адсорбцияси ($N=0,29$ H₂O/э.я. дан бошланади) $Q_d \sim 89,35$ кЖ/моль дан бошланиб, кескин равишда Q_d тушиб кетади ва $Q_d=78,22$ кЖ/моль ни ташкил этади.

Адсорбция 12,238 H₂O/э.я. га етганда Q_d нинг аста секинлик билан кескин пасайиши кузатилади ва дастлаб Q_d 69,57 кЖ/моль дан 63,37 кЖ/моль га камаяди. Адсорбция микдори 18,38 H₂O/э.я. дан 22,78 H₂O/э.я. лар оралиғида Q_d 59,10 кЖ/моль дан 54,05 кЖ/моль гача поғонали кўринишида пасаяди. Цеолитга сув молекулалари адсорбцияси Q_d лиги 69,57 кЖ/моль дан 54,05 кЖ/моль оралиқларида ўртача 15 кЖ/мольни ташкил этади. Жараён охирида иссиқлик иккита фрагментга ажралади ва охириги секция $N=30,30$ H₂O/э.я. дан 34,39 H₂O/э.я. гача давом этади. Бунда адсорбция иссиқлиги 44,25 кЖ/моль дан 41,61 кЖ/моль га тушади ва конденсация иссиқлигига тенглашади. СаА₂ цеолитда жами э.я. сига жами 34,39 H₂O э.я. сув молекулалари адсорбцияланади. Шулардан S_{II} бўшлиқда $\sim 27,5$ H₂O э.я., S_{III} бўшлиқда $\sim 6,89$ H₂O э.я.




2-расм. СаА₂ цеолитида 303 К ҳароратда сув адсорбцияси дифференциал иссиқлиги (а), изотермаси (Δ -эксперимент қийматлари, \blacktriangle -МХТН тенгламаси орқали ҳисобланган қийматлар) (б) ва энтропияси (в)

СаА₂ молекуляр ғалвирларда сувни адсорбцияланиши микроғоваклар тўйиниш назариясининг уч ҳадли тенгламаси ёрдамида қайта тавсифланади (2(б)).

$$N = 14,765 \exp[A/32,42]^6 + 8,434 \exp[A/12,18]^5 + 11,048 \exp[A/2,28]^1$$

2 (в)-расмда СаА (М-34) цеолитига сув адсорбцияси дифференциал энтропияси келтирилган. Адсорбция дифференциал энтропияси дастлаб 8,09 Ж/моль*К бошланади. Ундан кейин эса 19,04 Ж/моль*К гача кўтарилади. Энтропиянинг энг паст қиймати -24,48 Ж/моль*К ни ташкил этади ва бунда адсорбция 16,76 H₂O/э.я. га тенг бўлади. -24,48 Ж/моль*К дан кейин энтропиянинг тўлқинсимон шаклда кўтарилиши кузатилади, адсорбция ~ 27 H₂O/э.я. гача сув молекулалари қўғзалмаган ҳолатда бўлади. Ўртача интеграл энтропия -8,31 Ж/моль*К ни ташкил этади.

CaNaA₁ цеолитга сув адсорбцияси. 3 (а)-расмда 303 К ҳароратда CaNaA₁ цеолитига сувни адсорбцияланиши дифференциал иссиқлиги (Q_d) келтирилган. Адсорбция $N=0,806$ H₂O/э.я. етганда адсорбция иссиқлиги $Q_d=98,23$ кЖ/моль бўлади. Бу ерда яна цеолит микроғовакларига катионларга сув молекулалари тақсимлангунга қадар улар ҳаракатчан ҳолатда бўлиши кузатилади. Шундан сўнг адсорбция $N=3,02$ H₂O/э.я. етганда $Q_d=81,39$ кЖ/моль гача тартибли пасайиб боради. Бу босқичда эса Na⁺ ва Ca²⁺ катионларига 17,204 H₂O/э.я. сув молекуласи адсорбцияланади. Бунда эса (H₂O)_nNa⁺ ва (H₂O)_nCa²⁺ кўп ўлчамли комплекслар шаклланади. S_{III} ва S_{II} бўшлиқлар супербўшлиқ ичида жойлашганлиги учун адсорбциянинг асосий қисмини ташкил қилади. Чунки S_I бўшлиқдаги катионлар олтига кучли ҳимоя қилувчи кислород атомларининг катионлари билан ўралган учун жуда кам миқдорда адсорбцияланади. Ca₅Na₃A цеолитига э.я.сига жами 35,93 H₂O э.я. сув молекулалари адсорбцияланади. Шулардан S_{II} бўшлиқда ~26,94 H₂O э.я., S_{III} бўшлиқда ~8,184 H₂O э.я., S_I бўшлиқда эса 0.806 э.я. жойлашади.



3-расм. CaNaA₁ цеолитига 303 К ҳароратда сув адсорбцияси дифференциал иссиқлиги (а), изотермаси (Δ-эксперимент қийматлари, ▲-МХТН тенгламаси орқали ҳисобланган қийматлар) (б) ва энтропияси (в)


3(б)-расмда Ca₅Na₃A молекуляр ғалвирларда сувни адсорбцияланиши микроғовакларнинг ҳажмли тўйиниш назариясининг уч ҳадли тенгламаси ёрдамида қайта тавсифланди

$$N = 15,835 \exp[A/30,03]^4 + 7,406 \exp[A/13,32]^5 + 14,765 \exp[A/1,89]^1$$

3(в)-расмда Ca₅Na₃A цеолитига сув адсорбцияси дифференциал энтропияси келтирилган. Жараён бошланишидан маълумки, адсорбция иссиқлигининг юқори бўлиши, бошланғич тўйинишларда сув молекулалари цеолит микроғовакларига мустаҳкам қўзғалмаган ҳолатда бўлишидан далолат беради. Адсорбция дифференциал энтропияси дастлаб -54,88 Ж/моль*К да бошланади ва бунда адсорбция $N=0,53$ H₂O э.я. ни ташкил этади. Ундан кейин эса энтропия -13,72 Ж/моль*К гача пасаяди ва -24,77 Ж/моль*К гача кўтарилиши кузатилади. $N=4,98$ H₂O э.я.дан $N=15,69$ H₂O э.я.га учта поғонада тўлқинсимон чизиклар билан -20,90 Ж/моль*К гача кўтарилиб, пасайиб туради. Адсорбция $N=15,69$ H₂O э.я.дан $N=24,98$ H₂O

э.я.гача ўртача інтеграл энтропія чизігидан пастда боради ва адсорбция $N=24,98$ H_2O э.я.дан кейін ўртача інтеграл чизікларидан аста секинлик билан кўратилиб 0 қийматга яқинлашади. Ўртача інтеграл энтропія $-12,75$ $Ж/моль \cdot K$ ни ташкил этади.

CaNaA₂ цеолитга сув адсорбцияси. 4(a)-расмда CaNaA₂ цеолитига 303K ҳароратда сувни адсорбцияланиши Q_d келтирилган. Дастлаб адсорбция дифференциал иссиқлиги 95,11 $кЖ/моль$ ни ва адсорбция миқдори эса $N=0,57$ $H_2O/э.я.$ ни ташкил этади. Бунда адсорбция иссиқлиги юқори бўлишига асосий сабаби сув молекулаларини ўлчами кичиклиги учун цеолит бўшлиқларига тўғридан тўғри кириб боради ва кириш жараёнида кремний алюминийни бирлаштириб турувчи кислород атомлари билан адсорбат ўртасида физик таъсир кучлари таъсирида юқори энергия ҳосил бўлади.



4-расм. CaNaA₂ цеолитига 303 К ҳароратда сув адсорбцияси дифференциал иссиқлиги (a), изотермаси (Δ -эксперимент қийматлари, \blacktriangle -МХТН тенгламаси орқали ҳисобланган қийматлар) (б) ва энтропияси (в)

Юқори адсорбция иссиқлиги билан борадиган жараёнларда S_I ва S_{III} бўшлиқларда боради. А типидagi S_{II} позицияда адсорбция иссиқлигининг бир хил тўлқинсимон чизікли кўринишида пасайиб боради. Жараён охирлашганда 53,17 $кЖ/моль$ дан 50,42 $кЖ/моль$ гача адсорбция иссиқлиги пасаяди ва ундан сўнг адсорбция конденсация иссиқлигига яқинлашади. S_{III} ва S_{II} бўшлиқлар супербўшлиқ ичида жойлашганлиги учун адсорбциянинг асосий қисмини ташкил қилади. Чунки S_I бўшлиқдаги катионлар олтига кучли ҳимоя қилувчи кислород атомларининг катионлари билан ўралган учун жуда кам миқдорда адсорбцияланади. Ca₄Na₄A цеолитига жами битта элементар яченкасига 27,49 та сув молекулаларини сорбциялайди. Шулардан S_{II} бўшлиқда $\sim 21,9$ $H_2O/э.я.$, S_{III} бўшлиқда $\sim 5,57$ $H_2O/э.я.$ сига жойлашади.

CaNaA₂ молекуляр ғалвирларда сувни адсорбцияланиши микроғовакларнинг ҳажмли тўйиниш назариясини (4(б)) уч ҳадли тенгламаси ёрдамида қайта тавсифланди.


$$N = 18,958 \exp[A/26,14]^4 + 1,772 \exp[A/20,17]^5 + 7,555 \exp[A/3,03]^1$$

Адсорбция энтропияси (4(в)-расм) дастлаб $-40,59$ $Ж/моль \cdot K$ бошланади ва бунда адсорбция $N= 0,28$ $H_2O/э.я.$ ни ташкил этади. Ундан кейин эса

энтропия $-15,74 \text{ Ж/моль}\cdot\text{К}$ гача пасаяди ва $-23,58 \text{ Ж/моль}\cdot\text{К}$ гача кўтарилиши кузатилади. Цеолитнинг ушбу қисмда бўш ғовакларнинг кўплиги, катионлар сув буғлари билан тўлиқ тўйинмаганлиги учун адсорбция энтропия қийматлари юқори бўлади ва адсорбат молекулари ҳаракатсиз ҳолатда бўлади. Адсорбция дифференциал энтропияси тўлқинсимон кўринишда бўлиб, $N=2,58 \text{ H}_2\text{O/э.я.}$ дан $N=16,74 \text{ H}_2\text{O/э.я.}$ га тўртта поғонада тўлқинсимон чизиқлар билан $-15,64 \text{ Ж/моль}\cdot\text{К}$ гача кўтарилиб, пасайиб туради. Бу қийматгача бўлган жараёнларда сув буғлари S_{II} бўшлиқга кириш ойнага яқин бўлган катионларга адсорбцияланади. Адсорбция дифференциал энтропияси ўртача интеграл энтропияси $-18,39 \text{ Ж/моль}\cdot\text{К}$ ни ташкил этади.

Диссертациянинг «**A** типдаги цеолитларда квадрупол молекулалар адсорбцияси энергетикаси» деб номланган учинчи бобида CaA_1 , CaA_2 , CaNaA_1 ва CaNaA_2 цеолитларига углерод (IV) оксиди газиде адсорбция термодинамикаси таҳлили батафсил баён қилинган.

CaA₁ цеолитига углерод (IV) оксиди адсорбцияси. CaA_1 цеолити учун дифференциал иссиқлик (5(a)-расм) миқдори $Q_d \sim 65,37 \text{ кЖ/мольдан}$ бошланади. Адсорбция миқдори $0,68 \text{ CO}_2/\text{э.я.}$ дан $5,90 \text{ CO}_2/\text{э.я.}$ гача бўлганда дифференциал иссиқлик тўлқин шакли кўринишда бўлади ва $42,58$ дан $28,44 \text{ кЖ/моль}$ гача ўзгариб туради. Жараён охирида, яъни $6,88 \text{ CO}_2/\text{э.я.}$ да иссиқликнинг конденсация қийматига тенглашиши кузалинади.



5-Расм. CaA₁ цеолитига 303 К ҳароратда CO₂ адсорбцияси дифференциал иссиқлиги (a), изотермаси (Δ-эксперимент қийматлари, ▲-МХТН тенгламаси орқали ҳисобланган қийматлар) (б) ва энтропияси (в)

CaA_1 цеолити жами $6,88 \text{ CO}_2/\text{э.я.}$ ($7 \text{ CO}_2/\text{э.я.}$) углерод (IV) оксиди газиде молекуласини адсорбциялайди. Адсорбция жараёнининг миқдорий тавсифи учун калориметрик маълумотлар асосида 5 та бўлимга эгри чизиқ Q_d бўйича бўлинади: $1.19-0.19$ дан э.я. гача (1 молекула CO_2), $2.19-1.19$ дан $\text{CO}_2/\text{э.я.}$ гача (1 молекула CO_2), $3.19-2.19$ дан $\text{CO}_2/\text{э.я.}$ гача (1 молекула CO_2), $4.19-3.19$ дан $\text{CO}_2/\text{э.я.}$ гача (1 молекула CO_2) ва охирида $4.19-5.19 \text{ CO}_2/\text{э.я.}$ гача (1 молекула CO_2).

CaA₁ цеолитига углерод (IV) оксиди газининг адсорбция изотермаси икки ҳадли микроғовакларнинг хажмий тўйиниш назарияси тенгламаси ёрдамида (МХТН) тавсифланди (5(б)-расм).

$$N=6,768\exp[(A/20,28)^4]+1,901\exp[(A/14,03)^2]$$

Бу ерда, N – микроғовакларда адсорбция (э.я.), $A = RT\ln(P^0/P)$ -эркин энергия иши (кЖ/моль).


5(в)-расмда 303 К да CaA₁ да углерод (IV) оксиди адсорбциясини (ΔS_d) дифференциал энтропияси кўрсатилди.

CaA₁ цеолитида карбонат ангидрид адсорбцияси энтропияси

$$S_a = \Delta S_a + S_c^o = S_c^o + \frac{-Q_a + RT\ln 760/P}{T}$$

формуласида ҳисобланди. $S_{ж}^0$ - суюқ ҳолатдаги карбонат ангидриднинг 760 мм.см.уст. ва 303 К энтропияси. Дастлабки углерод (IV) оксиди адсорбция жараёнида энтропия суюқ ҳолатда бўлади. Умуман олганда, адсорбциянинг бошида ва ўрта қисмларида углерод (IV) оксиди суюқ ҳолатда бўлади. CaA га углерод (IV) оксиди адсорбциясида эгри чизиклар кўринишидаги адсорбция дифференциал иссиқлиги ва энтропияси бошланғич босқичдан зудлик билан 18,95 Ж/моль*К гача кўтарилиб, ундан кейин биринчи икки қисмга максимал ва минимал қийматларга ўтади ва учинчи бўлимда секинлик билан камаяди. CaA₁ цеолитига ўртача интеграл энтропия -28,2 Ж/моль*К ни ташкил этади, бу эса адсорбцияланган углерод (IV) оксиди молекулалари ҳаракатланиши суюқ ҳолатидаги углерод (IV) оксиди дан анча юқоридир.

CaA₂ цеолитида углерод (IV) оксиди адсорбцияси. Адсорбция миқдори 2,31 CO₂/э.я.дан 4.93 CO₂/э.я. бўлганда дифференциал иссиқлик тўлқинсимон кўринишда бўлади (6(а)-расм) ва 48,31 дан 37,32 кЖ/моль гача ўзгариб туради.



6-расм. CaA₂ цеолитига 303 К хароратда CO₂ адсорбцияси дифференциал иссиқлиги (а), изотермаси (Δ-эксперимент қийматлари, ▲-МХТН тенгламаси орқали ҳисобланган қийматлар) (б) ва энтропияси (в)

4,93 CO₂/э.я.дан 6,33 CO₂/э.я.га етганда иссиқлик миқдори 37.32 кЖ/моль дан 31.07 кЖ/моль га тушиши кузатилади. Жараён охирлашганда, яъни 7.1 CO₂/э.я.да иссиқлик конденсация қийматига тенглашиши кузатилади. Дифференциал адсорбция иссиқликлари тўлқинсимон кўринишда бўлиб 6 та бўлимга бўлинади: (I) 0.13 дан 0.77 CO₂/CO₂/э.я.гача (0.64 CO₂/CO₂/э.я.), (II) 0.77 дан 1.53 CO₂/CO₂/э.я.гача (0.76 CO₂/CO₂/э.я.), (III) 1.53 дан 2.31 CO₂/CO₂/э.я.гача (0.78 CO₂/CO₂/э.я.), (IV) 2.31 дан 4.93 CO₂/CO₂/э.я. (2.62 CO₂/CO₂/э.я.), (V) 4.93 дан 6.33 CO₂/CO₂/э.я. (1.4 CO₂/CO₂/э.я.), (VI) 6.33 дан 7.37 CO₂/CO₂/э.я. (1.07 CO₂/CO₂/э.я.). СаА цеолитига жами бўлиб 7,33 CO₂/э.я. CO₂ газининг молекуласи адсорбцияланади.

СаА₂ цеолитига углерод (IV) оксиднинг адсорбция изотермаси икки ҳадли микроғовакларнинг тўйиниш назарияси тенгламаси ёрдамида (МХТН) тавсифланди (б(б)-расм).

$$N=6,768\exp[(A/21,18)^5]+2,208,71\exp[(A/15,28)^4]$$


б(в)-расмда 303 Кда СаА₂ да углерод (IV) оксиди адсорбциясининг (ΔS_d) дифференциал энтропияси кўрсатилди. Дастлабки углерод (IV) оксиди молекуласи адсорбция миқдори 0.2-0.5 CO₂/э.я. ни ташкил этади, бунда дифференциал ҳолат энтропия адсорбцияси -40 Ж/моль*К дан 5 Ж/моль*К га тушиши кузатилади. Шунингдек, бу ҳолатда углерод (IV) оксиди суюқ ҳолат энтропиясини акс эттиради. Адсорбция миқдори 0.5 CO₂/э.я. дан аста секинлик билан ошиб бориб 3.5 CO₂/э.я.га етганда дифференциал энтропия кичик ўзгаришлар билан боради ва кейин аста секинлик билан углерод (IV) оксиди газ ҳолатига ўта бошлайди.

СаНаА₁ цеолитига углерод (IV) оксиди газ адсорбцияси. СаНаА₁ цеолитига углерод (IV) оксидининг адсорбция иссиқлиги, $Q_d \sim 69,57$ кЖ/моль дан бошланади, бунда адсорбция $N=0,18$ CO₂ э.я. бўлиб кейинчалик 47,01 кЖ/моль гача пасаяди ва адсорбция $N=0,77$ CO₂ э.я.ни ташкил этади. Олдинги тадқиқот ишларида дастлабки адсорбция дифференциал иссиқликлари $Q_d \sim 65$ кЖ/моль дан юқори бўлган (7(a)-расм). Адсорбция $N=2,08$ CO₂ э.я.да етганда 42,84 кЖ/моль иссиқликни ҳосил қилади ва бу адсорбциядан кейин дифференциал иссиқликлари тўлқинсимон кўринишда аста секинлик билан конденсация иссиқлигига яқинлашади. Адсорбция $N=2,08$ CO₂/э.я. ва 3.57 CO₂/э.я. лар оралиғида дифференциал иссиқлик қийматлари 42,84 кЖ/моль дан 40,77 кЖ/моль оралиғида бўлади. Дифференциал адсорбция иссиқликлари тўлқинсимон кўринишда бўлиб 7 та босқичга бўлинади: (I) 0.18 дан 1.32 CO₂/CO₂/э.я.гача (1.14 CO₂/CO₂/э.я.), (II) 1.327 дан 2.08 CO₂/CO₂/э.я.гача (0.75 CO₂/CO₂/э.я.), (III) 2.08 дан 3.57 CO₂/CO₂/э.я.гача (1.49 CO₂/CO₂/э.я.), (IV) 3.57 дан 5.13 CO₂/CO₂/э.я. (1.56 CO₂/CO₂/э.я.), (V) 5.13 дан 6.17 CO₂/CO₂/э.я. (1.03 CO₂/CO₂/э.я.), (VI) 6.17 дан 7.34 CO₂/CO₂/э.я. (1.17 CO₂/CO₂/э.я.). ва (VII) 7.34 дан 8.67 CO₂/CO₂/э.я. (1.33 CO₂/CO₂/э.я.). Са₅На₃А цеолитига жами бўлиб 8,67 CO₂/э.я. углерод (IV) оксиди газининг молекуласи адсорбцияланади.

CaNaA₁ цеолитига углерод (IV) оксиди нинг адсорбция изотермаси икки ҳадли микровакларнинг ҳажмий тўйиниш назарияси тенгламаси ёрдамида (МХТН) қайта тавсифланди (7(б)-расм).

$$N=5,653\exp[(A/21,98)^4]+4,583\exp[(A/16,38)^3]$$

7 (в)-расмда 303 К да CaNaA₁ цеолитига углерод (IV) оксиди адсорбциясининг (ΔS_d) дифференциал энтропияси кўрсатилди. Шунингдек, бу ҳолатда углерод (IV) оксиди суюқ ҳолат энтропиясини акс эттиради.



7-расм. CaNaA₁ цеолитида 303 К ҳароратда CO₂ адсорбция дифференциал иссиқлиги (а), изотермаси (Δ-эксперимент қийматлари, ▲ -МХТН тенгламаси орқали ҳисобланган қийматлар) (б) ва дифференциал энтропияси (в).


Адсорбция $N=1.50$ CO₂/э.я. дан аста секинлик билан ошиб бориб 7.65 CO₂/э.я.га етганда дифференциал энтропия кичик ўзгаришлар билан боради ва кейин аста секинлик билан углерод (IV) оксиди газ ҳолатига энтропия кўрсаткичларини тавсифлайди. CaNaA₁ цеолитига ўртача интеграл энтропия -16,78 Дж/моль* К ни ташкил этади, бу эса адсорбцияланган углерод (IV) оксиди молекулалари ҳаракатланиши суюқ ҳолатидаги углерод (IV) оксиди дан анча юқори эканлигини кўрсатади.

CaNaA₂ цеолитига углерод (IV) оксиди газ адсорбцияси. CaNaA₂ цеолитига углерод (IV) оксидининг адсорбция иссиқлиги, $Q_d \sim 73,02$ кЖ/моль дан бошланади, бунда адсорбция $N=0,15$ CO₂ э.я. бўлиб кейинчалик 48,12 кЖ/моль гача пасаяди ва адсорбция $N=0,94$ CO₂ э.я.ни ташкил этади. Бунда углерод (IV) оксиди S_{III} бўшлиқдаги Ca⁺² катионларига сорбцияланади. Адсорбция $N=7,54$ CO₂/э.я.дан 9,18 CO₂/э.я. бўлганда дифференциал иссиқлиги кичик тўлқинсимон кўринишида боради ва 28,40 дан 26,08 кЖ/моль гача ўзгариб туради ва конденсация иссиқлигигача пасайиши билан боради. Дифференциал адсорбция иссиқликлари тўлқинсимон кўринишда бўлиб 6 та босқичга бўлинади: (I) 0.15 дан 0.94 CO₂/CO₂/э.я.гача (0.79 CO₂/CO₂/э.я.), (II) 0.94 дан 2.69 CO₂/CO₂/э.я.гача (1.75 CO₂/CO₂/э.я.), (III) 2.69 дан 3.99 CO₂/CO₂/э.я.гача (1.3 CO₂/CO₂/э.я.), (IV) 3.99 дан 6.09 CO₂/CO₂/э.я. гача(2.1 CO₂/CO₂/э.я.), (V) 6.09 дан 7.54 CO₂/CO₂/э.я. (1.49 CO₂/CO₂/э.я.) ва (VI) 7.54 дан 9.18 CO₂/CO₂/э.я. (1.64 CO₂/CO₂/э.я.). Ca₄Na₄A цеолитига жами бўлиб 9,18 CO₂/э.я. углерод (IV) оксиди газининг молекуласи адсорбцияланади.

CaNaA₂ цеолитига углерод (IV) оксидининг адсорбция изотермаси икки ҳадли микровоакларнинг тўйиниш назарияси тенгламаси ёрдамида (МХТН) қайта тавсифланди (8(б)-расм).

$$N=6,905\exp[(A/21,28)^5]+4,188\exp[(A/12,17)^5]$$

Дастлабки углерод (IV) оксиди молекуласи адсорбция $N=0.31-0.70$ CO₂/э.я. ни ташкил этади, бунда дифференциал ҳолат энтропия адсорбцияси -66,62 Ж/моль*К дан -30,15 Ж/моль*К га кўтарилиши кузатилади (8(в)-расм). Шунингдек, бу ҳолатда углерод (IV) оксиди суюқ ҳолат энтропиясини акс эттиради. Адсорбция $N=0.70$ CO₂/э.я. дан аста секинлик билан тўлқинсимон кўринишда дифференциал энтропия кичик ўзгаришлар билан боради.




8-расм. CaNaA₂ цеолитида 303 К ҳароратда CO₂ адсорбция дифференциал иссиқлиги (a), изотермаси (Δ -эксперимент қийматлари, \blacktriangle -МХТН тенгламаси орқали ҳисобланган қийматлар) (б) ва энтропияси (в).

Кўтарилиб боради ва кейин аста секинлик билан углерод (IV) оксиди газ ҳолатига энтропия кўрсаткичларини тавсифлайди. CaNaA₂ цеолитига углерод (IV) оксид адсорбциясининг ўртача интеграл энтропияси -16,60 Ж/моль*К дан иборат бўлади.

Диссертациянинг «**NaLSX ва LiLSX типдаги цеолитларда бензол адсорбцияси қонуниятлари**» деб номланган тўртинчи бобида NaLSX ва LiLSX цеолитларига бензол адсорбцияси изотермаси, дифференциал иссиқлиги (Q_d), энтропияси (S_d) ва термокинетикаси (τ) батафсил ёритилган.

NaLSX цеолитига бензол адсорбцияси. Бензол адсорбцияси барқарор дифференциал иссиқлиги иссиқлик конденсациясидан $\sim 2,5$ баровар юқоридир (расм-9(a)). Адсорбция дифференциал иссиқлигининг ўзгариши ўзига хос хусусиятларга эга. Дифференциал иссиқлик 107,06 кЖ/мольдан бошланиб 82,5 кЖ/мольга кескин пасаяда, бу ерда адсорбция 0.04-0.2 C₆H₆/1/8 эя оралиғи бўлади. Битта молекула бензол адсорбцияланиши учун адсорбция иссиқлиги 82,11 кЖ/мольгача ($N=1$ C₆H₆/1/8 эя) ўзгаради. 82.11 кЖ/моль домийлик дифференциал иссиқлиги биринчи ва тўртинчи молекула бензол сорбцияланишида максимал даражадан ўтиб, адсорбция 1,0 C₆H₆/1/8 эя ва 4,0 C₆H₆/1/8 эя.лар билан ифодаланди. Бундан ташқари, адсорбция

иссиқлиги тўлиқсимон кўринишдаги чизиклар $Q_d=84.20$ кЖ/моль $N=1.5$ $C_6H_6/1/8$ эя.га, сўнгра максимал қиймати эса $N=2.5$ $C_6H_6/1/8$ эя.да $Q_d=85$ кЖ/моль боради. Адсорбция 1.5 $C_6H_6/1/8$ эя.дан 4 $C_6H_6/1/8$ эя. оралиқларида адсорбат-адсорбатларнинг ўзаро таъсирлашиши, иккинчидан тўртинчигача бўлган бензол молекулаларнинг бўшлиққа киришида умумий энергияга ҳиссаси туфайли адсорбция иссиқлигининг ошишига олиб келади. Тўртта C_6H_6/Na^+ комплекслари жойлашуви тетраэдр шаклида бўлиб, бундай кластерлар супербўшлиқларнинг деярли барча бўш жойларини тўлдиради. Бешинчи бензол молекуласининг киришида иссиқлик тўлқинсимон чизикли кўринишида бўлади ва адсорбция $N=4.86$ $C_6H_6/1/8$ эя. дан ўтгандан сўнг иссиқлик кескин пасайиб кетади.



9-расм. 303 К ҳароратда NaLSX цеолитига бензол адсорбцияси дифференциал иссиқлиги (а), изотермаси (б) ва энтропияси (в).

Тажриба натижаларидан олинган адсорбция изотермалари қийматларини микроғовакларнинг ҳажмий тўйиниш назарияси (МХТН)нинг уч ҳадли тенгламаси ёрдамида тавсифланди (9(б)):

$$N = 2,67 \exp[-(A/32,07)^{10}] + 1,79 \exp[-(A/27,98)^{18}] + 0,74 \exp[-(A/10,21)^1],$$


N – микроғовакларда адсорбция $C_6H_6/1/8$ эя, $A = RT \ln(P^0/P)$ – адсорбция энергияси, кЖ/моль.

9(в)-расмда NaLSX цеолитида бензол адсорбцияси дифференциал энтропияси келтирилган.

Адсорбция дифференциал энтропияси дастлаб $-90,7$ Ж/моль*К бошланади ва бунда адсорбция $N= 0,094$ $C_6H_6/1/8$ эя.ни ташкил этади. Ундан кейин эса энтропия кўтарилиб боради ва $-47,4$ Ж/моль*К гача аста секинлик билан кўтарилади, адсорбция энтропия чизиклари поғонали кўринишда пасайиб боради, адсорбция 4 $C_6H_6/1/8$ эя.га етганида $-72,9$ Ж/моль*Кни ташкил этади ва сўнгра кескин $-124,47$ Ж/моль*К гача пасайиши кузатилади. 0.3 молекула бензол буғлари адсорбциясида S_{III} бўшлиқдаги кириш ойнага яқин бўлган катионларга адсорбцияланади. Адсорбция $N=0,31$ $C_6H_6/1/8$ эя.дан сўнг аста секинлик билан тўлқинсимон чизик кўринишида адсорбция дифференциал энтропияси пасайиб боради $N \sim 2,25$ $C_6H_6/1/8$ эя.гача ўртача

интеграл энтропия чизигидан пастга тушади. Ўртача интеграл энтропия - 73,68 Ж/моль*К ни ташкил этади.

LiLSX цеолитига бензол адсорбцияси. Дастлаб Q_d чизиги ~ 110 кДж/мольдан бошланиб, 0,29 $C_6H_6/1/8$ э.я.га етганда 83 кЖ/мольни ташкил қилади. Сўнг Q_d адсорбция 0,3 дан 1,2 $C_6H_6/1/8$ э.я. ораликларида 82,76 дан 82,58 кЖ/моль бўлиб, икки босқични ташкил қилади. Кейинчалик адсорбция $N=1,24$ дан 5,24 $C_6H_6/1/8$ э.я. оралиғида 4,0 га тенг бўлган аниқ шаклланиш билан бориб, Q_d мос равишда 82,58 дан 85,92 кЖ/мольгача ўзгариб туради. Охирги қисмда $N=5,4$ дан 5,83 $C_6H_6/1/8$ э.я. гача боради. Калориметрик маълумотлар, эгри чизикдаги махсус нукталарга мувофиқ 12 та қисмга бўлинган: 0-0,29 (I қисм), 0,29-0,74 (II), 0,74 -1,23 (III), 1,23-1,7 (IV) 1,7-2,1(V), 2,1-2,7(VI), 2,7-3(VII), 3-3,5 (VIII), 3,5- 4 (IX), 4-4,5 (X), 4,5-5.24 (XI), эгри чизик билан борадиган 5,24-5,83 $C_6H_6/1/8$ э.я. оралиғида яқунланади. Жами LiLSX цеолитининг ҳар бир супербўшлиғида (1/8 э.я.) 5,83 $C_6H_6/1/8$ э.я. ни адсорбциялайди. Юқори энергия билан бориши ($N=0,29$ $C_6H_6/1/8$ э.я.гача) супербўшлиқларда жойлашган S_{III} позициядаги Li^+ га адсорбцияланади. Ушбу позициялар адсорбцияланаётган молекулалар учун қулайроқ жойлашган ва шунинг учун 110 кДж/мольга тенг юқори энергия билан боради.



10-расм. 303 К ҳароратда LiLSX цеолитига бензол адсорбцияси дифференциал иссиқлиги (а), изотермаси (Δ -эксперимент қийматлари, ▲ -МХТН тенгламаси орқали ҳисобланган қийматлар) (б) ва энтропияси (в).

10(б)-расмда 303К да LiLSX да бензол адсорбция изотермаси келтирилган. Адсорбция изотерма микроғовакларнинг ҳажмий тўйиниш назарияси уч ҳадли тенгламаси ёрдамида қайта тасвирланган:


$$N = 1,669 \exp[-(A/32,27)^{10}] + 3,257 \exp[-(A/27,07)^{10}] + 0,982 \exp[-(A/9,06)^1].$$

Барча ΔS_d эгри чизиклари суюқ энтропия чизигидан пастда жойлашган (10(в)-расм). Адсорбция дифференциал иссиқликларининг эгри чизигига мувофиқ, LiLSX-да бензол адсорбциясининг энтропияси -130 Ж/моль*К дан бошланиб, 0,31 $C_6H_6/1/8$ э.я. да -52 ж/мол*К га кўтарилади, кейин секинлик

